

ИМОМ АБУЛ ҲУСАЙН АҲМАД ИБН МУҲАММАД ҚУДУРИЙ ҲАНАФИЙ

Низаматдинов Есенгелди Камалатдин ули

Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими

Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг

Ўзбекистон тарихи бўлими 1 босқич докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ҳанафий ислом уламоси ҳаёти тўғрисида. Хусусан, ҳанафий фикҳига оид асарлар ёзган имом Қудурийнинг мероси ҳақида маълумотлар келтирилади. Уларнинг илмий сафарлари ва асарлари баён қилинади. Маълумотлар даврларга ажиратиб келтирилади. Ушбу маълумотлар ишончли манбалардан олинган.

Таянч сўзлар: Мухтасар, дин, илм, фикҳ, ақида, мерос, асар, тарбия, ҳадис, тафсир, олим, муҳаддис, фақиҳ, манбашунослик, тақводор, солиҳ, зоҳид, устоз, машойих, куня.

Мустақил юртимиз айни даврда жаҳон ҳамжамиятидаги ўзининг муҳим ўрнини эгалламоқда. Шу жумладан, умумжаҳон тадқиқотлар, хусусан манбашунослик, исломшунослик соҳаларида ҳам юртимизда талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув замонида юз бераётган турли хил диний-ақидавий хуружлар ва бузғунчи ғоялардан сақланиш ва бу борада ислом уламолари томонидан ёзиб қолдирилган бой илмий мерослар билан яқиндан танишиш, уларни чуқур ўрганиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бугун мусулмонлар ўртасида фитна-фасод тарқатаётган мазҳабсизлик илллати ҳам бизни ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик таълимотига оид бўлган асарларни янада пухта ва узвий ўрганишга чорлайди.

Шундай экан, биз мазкур ҳанафий олимларнинг ҳаёти ва илмий меросини теран ўрганишимиз, уларнинг буюк хизматлари олдида ўзимизни муносиб тутган ҳолда, жамиятимизда кузатилаётган бидъат-хурофотларни бартараф қилиш барчамизнинг олий бурчимиздир.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг: «Элимизга ислом динини тўғри тараннум этиш – жуда катта тарбия¹», - дея билдирган фикрларида мана шу вазифанинг нақадар устувор масала эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

¹ www.daryo.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кино саноатини ривожлантириш ва соҳани тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан. 30.12.2017й.

Мана шундай ҳаёти ва илмий меросларини ўрганиш долзарб бўлган ҳанафий олимлардан бири бу, бизга имом Қудурий раҳимаҳуллоҳдир. Зеро машойихлар: “Ким Қудурий матнини ўқимаган бўлса ҳанафий фикҳидан кўп нарсани қўлдан бой берибди”, дея таъкидлашган.

Бу алломанинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Хамадон бўлиб, Бағдоднинг Ҳанафий фақиҳларидан ҳисобланади. Кунялари Абул Ҳусайн, отасининг куняси эса Абу Бакр дир. Шунинг учун манбалари Абул Ҳусайн ибн Абу Бакр деб ҳам зикр қилинади. Бу улуғ олим ҳижрий 362-санада туғилиб, ҳижрий 428-санада вафот этган. Касблари қозон ясаб сотиш бўлганлиги учун “Қудурий” деган ном билан машхур бўлган. Бу эса ҳар бир инсон ўзига кифоя қиладиган даражада ҳалол касб билан тирикчилик қилиши лозим эканлигига далолат қилади. Гарчи ўша касби қозон ясаб сотиш каби содда оддий бир касб бўлса ҳам. Имом Қудурий ушбу касби машаққатли бўлишига қарамасдан ўз ҳунарини моҳир устаси эди. Шу билан бирга илм олишга ва шогирдларига дарс беришга ҳамда китоб ёзишга алоҳида вақт ажрата олган. Ушбу имом бизга буюк китобларни тақдим қилди. Шулардан бири ҳанафий мазҳабининг энг ишончли асарларидан бири ҳисобланган Қудурий матни бўлиб, кўпчилик илм аҳллари узра қўлма-қўл бўлган.

Имом Қудурийнинг оталари олим ва муҳаддис эди. Ёшлик даврларида Қуръони каримни тўлиқ ёд олди ва уни доимо тиловат қилиб юрадиган бўлди. Шунингдек, турли шаръий илмларни ўрганди. Сўнгра Ироқдаги таълим даргоҳида илм олди. Ўша давр Аббосийлар ҳалифалиги даври бўлиб, Бағдод шаҳри илм пойтахти ҳисобланар эди. Илм даргоҳида имомнинг қадр-қиммати юксалди. Бунга сабаб у киши фикрларини чиройли ифода қилишлари ва гапга уста эканлиги ҳамда доимий равишда Қуръони каримни тиловат қилиб юришлари эди.

Имом Қудурий ўз даврларида бир қанча китоблар таълиф қилдилар. Шулардан энг машхури ҳанафий мазҳабига асосланган “Мухтасари Қудурий” бўлиб, бу китоб уламолар орасида катта эътиборга сазовор бўлган. “Мисбаҳу-л-анвор фий адъбияти-л-лайли ва-н-наҳар” китобининг соҳиблари Зайниддин Антокий ал-Ҳанафийайтади: “Ҳанафийлар вабо тарқаган кунларда ушбу китобни табаррукан ўқишар эди. Бу муборак китоб бўлиб, уни ёдлаган киши фақирликдан омонда бўлади. Ҳаттоки, агар бирор киши солиҳ устоздан ушбу китобни таълим олса ва унинг ҳаққига устози барака тилаб дуо қилса, ўша одам китобдаги масалаларни ададича дирҳамга эга бўлади, дейишган”. Ушбу китоб ўн икки минг масалани ўз ичига олган бўлиб, унга ёзилган шарҳлар жудаям кўп.

Улардан машхурлари: “Ал-жавохиру-л-музийя” ва “Кашфу-з-зунун” асарлари ҳисобланади. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарини ҳам “Мухтасари Қудурий”нинг шарҳларидан бири дейиш мумкин. Чунки Имом Марғиноний ўз китобига “Мухтасари Қудурий” ни ва “Жомеъу-с-сағийр”ни асос қилиб олган.

Имом Қудурийнинг кўплаб устозлари бўлган. Шулардан энг машхурлари қўйидагилардир:

1-Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яҳё ибн Махдий Журжоний.

2-Абу Ҳусайн Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Шайбоний.

3-Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Сувайд ал-Муъаддаб.

Шу билан бирга у зотнинг шогиртлари қаторини ҳам узоқ давом эттириш мумкин. Лекин қўйида у зотнинг машхур бўлган шогиртларини санаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

1-Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий.

2-Қозию-кузот Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ад-Дамғоний ал-Кабир.

3-Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ақтоъ.

4-Абдуррахмон ибн Муҳаммад Сарахсий.

Алломанинг тепада зикр қилганимиз фуруъ ал фикҳга оид мухтасар матнидан ташқари яна кўплаб машхур асарлари мавжуд. Жумладан:

1-Ал-мухтасар.

2-Шарҳи мухтасари Кархий.

3-Жузъун фи-л-ҳадис.

4-Адабу-л-қозий ғала мазҳаби Абу Ҳанифа.

5-Ат-тажрид.

Албатта, саҳобалардан мерос қилиб олган ҳолда, барча мужтаҳидлар шариат илмларинин ўрганишда биринчи асос бўлган Аллоҳнинг китобига; сўнгра иккинчи асос бўлган Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларига; сўнгра ижтиҳод ва ижмоъга суннатдан кейинги учинчи асос деб қараган; ва ниҳоят, қиёсни тўртинчи асос деб қабул қилган².

Улар ҳаётлик даврларида ушбу тўрт асосга таянишлари билан бирга ўзларидан кейингиларга ва шогирдларига ҳам ушбу асосларга таянишни таълим берганлар. Саҳобалардан кейинги келган пешволар, уламолар, фуқаҳолар ушбу асосларни ўз асарларида ёзиб, тартибга солиб, мустаҳкам асос тарзида қолдириб кетдилар. Шу тарзда Аллоҳ ўз шариатини ўзи сақлаб борилишини таъминлаган³.

² Аминов Ҳ. Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Б.29.

³ Ибн Ханай. Тобақоту-л-ҳанафия. – Б. 17.

Албатта, бу фахрлий ишда мужтаҳид олимларнинг ўрни катта. Шунинг учун ҳам музкур олимларнинг қолдирган илмий мероси билан бирга, ибратли ҳаёт йўллари ҳам теран ўрганилади. Бу билан уларнинг бир-бирларига нисбатан даражаларига аниқлик киритилади. Ислом илмлари қаторида табақот илми мавжуд бўлиб, унда айнан мужтаҳидларнинг мартабалари ўргнаилади.

Имом Қудурий тўртинчи табақадаги таржийх аҳлидан, яъни, мазҳабимиз масалаларининг баъзисини баъзисидан афзал ва авлога ажрата оладиган уламолардан ҳисобланади.

Имом Қудурий ҳижрий 428 санада ражаб ойининг бешинчиси, душанба куни (мил. 1036 йил 25 октябр) Абу Халаф йўли бўйидаги уйида вафот этади ва ўша ерга дафн қилинади. Ибн Халликоннинг таъкидлашича, кейинчалик унинг жасади Мансура кўчасидаги қабристонга, ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан Абу Бакр Хоразмий қабри ёнига кўчирилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб (Насабнома). Таржимонлар: Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. – Т.: “Ҳилол” нашриёт-матбааси, 2017й.

2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017й.

3. Аминов Ҳ. Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари.

4. Ибн Ханаий. Тобақоту-л-ҳанафия.